

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

АНИҚ РЕЖАЛАР, ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР

Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармасида журналистлар учун навбатдаги тадбир ташкил этилди

Унда бошқарманинг масъул ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот беришди. Қайд этилдики, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бора-сида Тошкент вилоятида кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари ва корхона-ташкilotларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан яшириниб юрган қидирувдаги шахсларни аниқлаб қўлга олиш, аҳолининг паспорт тизими қондаларига риоя этишларини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ҳар бир маҳалла ҳудудида профилактика инспекторлари иш самарадорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш, жамиятда қонун устуворлиги, адолат, тинчлик-осойишталик ва тотувликни қарор топтириш каби масалаларда учрашувлар ўтказилмоқда.

— Вилоятимиз ҳудудида жорий йилнинг 8-15 июнь кунлари 77 жиноят қайд этилди, — деди Тошкент вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Мамасолиев. — Улардан бири босқинчилик, 2 таси қасддан танга оғир шикаст етказиш, 1 одам савдоси, 27 ўғирлик, 3 фирибгарлик, 7 гийҳвандлик, 6 иқтисодий ва 30 бошқа турдаги жиноятлардан иборат.

Содир этилган жами 77 жиноятнинг 69 таси фош этилган ва тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Фош этилмаган 8 та ўғирлик жинояти бўйича айбдорларни қидириб топиш борасида барча тергов ва тезкор чоралар кўрилмоқда. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб илгари содир этилиб, очилмаган 23 жиноят фош этилди. Қидирувда юрган 29 нафар шахс ушланди.

Шаҳар-туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар,

мақсадида содир этилган жиноятлар бўйича муҳофаза йиғилишлари ўтказилди. Ушбу муҳокамаларда 72 мингдан ортиқ фуқаро қамраб олинди.

Бундан ташқари, шу йилнинг ёзи мавсумида вилоят ҳудудида жойлашган 49 та болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ишчи гуруҳ аъзолари ва Тошкент вилояти Фавқуллоҳда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларига хавф солувчи табиий омиллар, оромгоҳларнинг ёнгина қарши, ҳаракат хавфсизлиги ҳолати мониторинг тартибига ўрганилиб, кўриқдан ўтказиш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

ҳисобида турган шахслар ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан профилактик-огоҳлантирув ишлари олиб борилди.

Тошкент вилоятида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида бир қатор ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳафта давомида вилоят ҳудудида 25 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 24 нафар шахс турли даражада тан жароҳати олган.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан 3 минг 798 та йўл ҳаракати қоидабузарликлари аниқланди. Булардан

Усканов ўзаро жанжал оқибатида, шу қишлоқда яшовчи, 1999 йилда туғилган Шаҳбоз Тинкановнинг ўнг томон бел қисмига ош пичоғи билан бир маротаба уриб, унга тан жароҳати етказган. Натижада жабрланувчи шифохонага мурожаат қилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бўстонлиқ туманида яшовчи Эркин Саитбобоев таниши Умид Курганов билан ўзаро суҳбат чоғида Чорбоғ шаҳарчасида жойлашган дала ҳовлисидан номига расмийлаштириб олишда ёрдам беришини сўрайди. Умид Курганов илгари ҳокимликда мансабдор лавозимда ишлагани, озроқ «ҳаражат» қилса, кўмак бериши мумкинлигини айтади. Оз эмас, кўп эмас, 700 АҚШ доллари эвазига «иш»ни битириши мумкинлигига шайма қилади.

Эркин Саитбобоев рози бўлади ва Умид Кургановга 400 АҚШ доллари беради. Бироқ келишув муддати ўтса ҳам ҳужжатлар ҳал бўлмади. Ниҳоят, жабрланувчи ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилади.

Умид Курганов ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, фирибгарлик қилганлигини, олган 400 АҚШ долларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини тан олди. Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар мазмунан қўриб чиқиш учун суд идораларига юборилган.

Қисқача айтганда, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича аниқ режалар асосида иш олиб бориб, қатъий чоралар кўришмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб илгари содир этилиб, очилмаган 23 жиноят фош этилди. Қидирувда юрган 29 нафар шахс ушланди.

Оромгоҳларда кечаю кундуз хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида ҳар бир оромгоҳга 3 нафардан, жами 148 нафар ички ишлар ходими бириктирилди. Шунингдек, дам олиш оромгоҳларига яқин масофада жойлашган маҳаллаларда яшовчи аҳоли ўртасида, айниқса, ички ишлар идораларининг профилактик

қўпол қоидабузарликлар 1 минг 405 тани ташкил этади.

Шу ўринда содир этилган жиноятларнинг айримларига тўхталсак. Бўстонлиқ туманида жорий йилнинг 20 май куни соат 12.00 ларда Хондойлик қишлоғида яшовчи, Бўстонлиқ қишлоқ ҳўжалик ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси, 1999 йилда туғилган Зоиржон

Реклама
Qishloq Qurilish Bank

«QQB-mobile»
мобил иловасини таклиф этади.

QQB
MOBILE

ДАСТУР ЁРДАМИДА:

● Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, Интернет провайдерлар ва рақамли телевидение хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

● Барча турдаги коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни бажариш;

● АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизими ичида маблағларни бир пластик картадан бошқа картага ўтказиш;

● Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси жарима тўловларини тўлаш мумкин.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Маълумот учун:
(0371) 150-39-93, 150-93-39
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 1,9х2,9 м. (5,51 кв.м.) ўлчамдаги бир дона алюминий-профилдаги дераза ромини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар ҳамда ҳужжатларни 2017 йил 7 июлга қадар қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.
Телефон: (0371) 239-18-49; 239-83-12.

Реклама



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг

кредит рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ

Миллий валютадаги депозитлар рейтинги В1
Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги В2

Рейтинглар прогнози:

«Барқарор»

WWW.NBU.UZ

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axb'dot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ro'xatib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638

14456

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 22:10

Topshirilgan vaqti — 22:30

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchesi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

772010763006

1 2 4 5 6